O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 16 - iyul 350-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

“Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”ни бекор қилиб, 13,5 гектар ер майдонини Бахмал тумани ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида тўлиқ ва қисман қайтариш ҳамда давлат рўйхатига олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 30 июндаги 01/019-1146-сонли хати, Бахмал тумани ҳокимининг 2022 йил 9 июндаги 01-1918-сонли хати ҳамда 2 нафар фермер хўжаликлари раҳбарларининг розилик ариза ва хатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5- ва 36-моддалари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 30 июндаги 01/019-1146-сонли хати, Бахмал тумани ҳокимининг 2022 йил 9 июндаги 01-1918-сонли хати ҳамда 2 нафар фермер хўжаликлари раҳбарларининг ўз розилик ариза ва хатлари инобатга олинсин.

2. Бахмал тумани ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида ер майдонлари қайтарилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рўйхати **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**)га захирага қайтарилаётган ер майдонларини давлат мулки сифатида давлат

рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

4. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Б.Бобоқулов**), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**), “Жизвилерлойиҳа” вилоят бўлинмаси (**К.Холмуродов**), Бахмал тумани ҳокими **(М.Анарбаев)** билан биргаликда захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётган мазкур ер майдонларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш чораларини кўрсин.

5. Бахмал тумани ҳокими **(М.Анарбаев) уч кун ичида** 13,5 гектар ер майдонларининг захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётганлиги туфайли 2 нафар фермер хўжаликлари раҳбарларини огоҳлантирсин.

6. Бахмал тумани ҳокими **(М.Анарбаев)**га иловада кўрсатилган ўз розилик аризалари билан ер майдонларини тўлиқ ва қисман захира ерлар ҳисобига қайтараётган қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”ни бекор қилиш ҳамда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

7. Барча хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар раҳбарларига иловадаги ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонлари Бахмал тумани захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилиши муносабати билан ўзаро ҳисоб-китобларни кўриб чиқиб, якуний хулосани **уч кун муддатда** вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

8. Иловада кўрсатилган фермер хўжаликлари томонидан ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ва ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганлиги тўғрисидаги аризаларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** ва бошқарма бошлиғи ўринбосари **И.Эргашев** ҳамда Бахмал тумани ҳокими **(М.Анарбаев)**лар зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов**

зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Jizzax viloyat hokimining
2022 yil 16 iyuldagi
350-3-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Жизах вилояти Бахмал туманидаги ер майдони тўлиқ ва қисман захирага олинаётган ижарачи субъект (фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхона)лари
РЎЙХАТИ

№	Туман ва фермер хамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари номи	Рахбари Ф.И.Ш	Ихтисослиги	Ер майдони жойлашган массив номи	Контур рақами	Жами ер майдони	Шу жумладан:								Шундан захирага олинади					Шу жумладан:								Вилоят хокимлигида рўйхатга олинган захирага олинишига асос бўлган розилик аризаси рақами ва санаси
							суғли	лалми	боғ	узум	ўтлоқ	Кўп йиллик дарахтзорлар	яйлов ерлар	бошқа ерлар	Контур рақами	Умумий ер майдони, га	шундан, экин ер майдони га	Экинларга ишлатиш-дан кейин яхлит жами майдон, га	Контур рақами	суғли	лалми	боғ	узум	ўтлоқ	Кўп йиллик дарахтзорлар	яйлов ерлар	бошқа ерлар	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29
	Бахмал тумани																											
1	"ADUVORIS RAVSHANOV" ф/х	**Р.Ахмедов**	Богдорчилик	Бахмал булоқлари массиви	914, 1395к, 1757	28,50		13,5	15						1395к	11,5	11,5	17,0	914, 1395к, 1757		2	15						22.06.2022 № 7355-ап
2	"MIRZAYEV ABBOS" ф/х	**Х.Имомкулов**	Богдорчилик	А.Усанов массиви	438, 447	10,10			10,1						447к	2,0	2,0	8,1	438, 447к			8,1						22.06.2022 № 7355-ап
2	**Туман бўйича жами**					**38,6**		**13,5**	**25,1**							**13,5**	**13,5**	**25,1**			**2,0**	**23,1**						